

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>67.Уразова Р.</b> МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	511
<b>68.Улашова С.</b> АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ҚАВЧИНЛАР.....	526
<b>69.Aminova A.M., Umarov J.O.</b> BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....	533
<b>70.Усманова З., Тишабаева Л.</b> ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....	537
<b>71.Қобулов Э., Ражабова С.</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....	541
<b>72.Ходжаева Л.Ш.</b> ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	548
<b>73.Ходжамбердиев Х.Э.</b> СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....	554
<b>74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.</b> BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....	562
<b>75.Қурбонов Э.Э.</b> ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....	567
<b>76.Юлдашева М.М.</b> БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....	572
<b>77.Хосиятов Х.О.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....	577
<b>78.Хакназаров Х.Д.</b> КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....	583
<b>79.Хатамова З.Н.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....	590


<b>80.Холмўминов Ҳ.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
<b>81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
<b>82.Ўтанов Х.Ш.</b> XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
<b>83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.</b> ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
<b>84.Юлдошева Б.М.</b> XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
<b>85.Ғаффоров Я.Х.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
<b>86.Шайдуллаева Г.Ш.</b> БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
<b>87.Yakubova Sh.A.</b> O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Улашова Севинч,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Шарқшунослик институти илмий ходими  
sevinch.ulashova@mail.ru

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ҚАВЧИНЛАР

*For citation: Ulashova Sevinch. KAVCHINS IN THE SOURCES OF AMIR TEMUR AND THE TEMURID PERIOD. Look to the past. 2020, SI, pp. 526-532*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-68>

### АННОТАЦИЯ

Қавчинлар Амир Темур ва Темурийлар давридаги етакчи ҳарбий-сиёсий қабилалардан биридир. Уларнинг келиб чиқиши ва Ўрта Осиёга кириб келиши тўғрисида манбалар ва тадқиқотларда бир-бирини инкор этувчи маълумотлар ва қарашлар мавжуд. Биз XIV-XV асрлар манбаларига асосланиб, қавчинларнинг Амир Темур ва Темурийлар давридаги ҳолати, уларнинг яшаган ҳудудлари, етакчилари ва фаолияти хусусида сўз юритмоқчимиз. Шунга кўра, қавчинлар Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар қўшинида бек ва амирлар, мамлакат ҳудудидаги ноибликларда бошқарувчи, доруға ва бошқа амалларга тайинланган. Амир Темур мамлакат ички ва ташқи ҳаётида муҳим вазифаларни қавчинларга ишониб топширган. Шунингдек, у темурийзодаларни бирор бир ҳудудга ноиб қилиб тайинласа, албатта уларга қавчин амирларидан бирини ҳамроҳ қилиб жўнатган. Ушбу ҳолат ҳам қавчинларнинг давлат ва сулола тарихидаги ўрни нечоғлик баланд бўлганини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** қавчин, Амир Темур, Темурийлар, Бобур, муҳофиз, Зафарнома, Баён қавчин.

Улашова Севинч,  
Академия Наук Республики Узбекистан  
Научный сотрудник Института востоковедения  
sevinch.ulashova@mail.ru

## КАВЧИНЫ В ИСТОЧНИКАХ АМИР ТЕМУРА И ТЕМУРИДСКОГО ПЕРИОДА

### АННОТАЦИЯ

Кавчины являются одним из ведущих военно-политических племен амиров Темура и Тимуридов. Существуют противоречивые источники информации и мнения об их происхождении и проникновении в Центральную Азию. Мы хотим поговорить о состоянии кладбища во времена Амира Темура и Тимуридов, их территориях, вождях и действиях, основанных на источниках XIV-XV веков. Соответственно, племена были назначены эмирами в армиях Амира Темура и Темура, как губернаторы, депутаты и другие в населенных пунктах. Амир Темур поручил важнейшие задачи во внутренней и внешней жизни страны. Он также отправил одного из эмиратов в Темуриды, когда назначил их заместителем. Это также показывает важность кавчины в истории государства и династии.

**Ключевые слова:** кавчин, Амир Темур, Темуриды, Бабур, гвардия, Зафарнаме, Баян кавчин.

**Ulashova Sevinch,**

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan  
Researcher of the Institute of Oriental Studies  
sevinch.ulashova@mail.ru

## KAVCHINS IN THE SOURCES OF AMIR TEMUR AND THE TEMURID PERIOD

### ABSTRACT

The Kavchins are one of the leading military-political tribes of Amir Temur and Timurids. There are conflicting sources of information and views on their origin and entry into Central Asia. We want to talk about the state of the qavchins in the time of Amir Temur and the Timurids, their territories, leaders and activities, based on sources of the XIV-XV centuries. Accordingly, the qavchins were appointed princes and princes in Amir Temur's and Temur's armies, as governors, deputies, and others in the localities. Amir Temur entrusted the most important tasks in the internal and external life of the country. He also sent one of the emirates to the Temurids when he appointed them as a deputy. This also qavchins the importance of the cemetery in the history of the state and the dynasty.

**Index Terms:** qavchin, Amir Temur, Timurids, Babur, Guard, Zafarname, Bayon qavchin.

Долзарблиги. Қавчинлар Амир Темур ва Темурийлар давридаги етакчи этник, ҳарбий-сиёсий куч сифатида манбаларда қайд қилинади. Чингизхоннинг муҳофиз қўшинининг тузилиши ва қавчинларнинг Ўрта Осиёга қабила сифатида эмас, муҳофиз қўшини сифатида кириб келиши хусусида аввалроқ сўз юритган эдик [15, 16]. Шунга кўра, қавчинлар мўғул хонлари билан уларнинг муҳофиз қўшини (шахсий гвардияси) сифатида Ўрта Осиёга кириб келди. Вақ ўтиши билан Амир Темур ва Темурийлар даврига келиб улар қабила даражасига кўтарилган бўлса-да, баъзи мўғул хонлари учун, шунингдек, Амир Темур ва Темурийларнинг ҳазораи хоссаси - шахсий гвардияси қавчинлардан бўлган. Улар жанг майдонига фақат Амир Темур атрофида жанг қилганлар. Ҳазораи хосса асосан қавчинлардан

ташқил қилиниб, уларнинг умумий сони минг кишидан иборат эди. Уларнинг таркиби доимий тўлдирилиб, минглик - ҳазора тиклаб турилган.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизация ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Яна бир мисол шарқий Чигатой улуси билан боғлиқ. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар "Тарихи Рашидий" асарига кўра, "Қошғар ва Хўтан аҳолиси (ижтимоий жиҳатдан бўлиниш назарда тутилган - У.С.) "тўрт қисм"га бўлинади. Биринчиси "туман" бўлиб, раиятни англаган. Улар хонга тобеъ бўлиб, ҳар йили солиқ тўлаб турган. Иккинчиси "қавчин" - уларни ота-боболарим бошқариб келишган (Бу ерда қавчин этноним сифатида эмас, ҳарбий гвардия учун умумий ном шаклида қўлланган. Агар этноним тарзида қўлланилганда эди қолган 3 гуруҳда ҳам этнонимлар келтирилган бўларди. Дуғлотлар Мўғулистоннинг - шарқий Чигатой улусининг улусбегиси бўлгани учун ҳарбий қўшин ҳам тўғридан-тўғри уларга бўйсунган. Шунингдек, мўғул хонларининг дуғлотларга берган имтиёзларидан бири сифатида дуғлот улусбегилари хоннинг рухсатисиз қўшин амирини мансабидан тушириш ёки тайинлаш ҳуқуқига эга эди [8, С. 120.]. Шу боисдан улар хоннинг шахсий гвардияси - қавчинларни ҳам бошқариб келганлар. - У.С. ). Кейингиси "аймоқ" дейилади, улардан ҳар бири дон, мато ва бошқа нарсалар кўринишида даромад олишган, ота-боболарим ҳам шу қисмга тегишли бўлган (Бу ерда ер-мулкка эгалик қилган қабилалар назарда тутилган. - У.С.). Тўртинчиси - шариат мансабдорлари, масжид, мадраса, вақф ерларининг мутасаддилари бўлган, уларнинг кўпчилиги ота-боболаримга тобеъ бўлишган" [8, С. 418.]. Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, қавчинлар XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб қабила сифатида тўла шаклланган бўлишига қарамасдан, Мўғулистонда ҳукмронлик қилган Чигатойлилар учун ҳали ҳамон дастлабки йиллардагидек, қабила сифатида эмас, хоннинг ҳазораи хоссасига нисбатан умумий ном сифатида ҳам қўлланган. XV аср манбаларида хусусан, Мирзо Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида Мўғулистонда ҳам қавчинлар алоҳида этник уюшма - қабила сифатида тилга олина бошлаган [8, С. 358, 503].

Темурийлар манбаларидаги қавчинларга доир илк маълумотлар Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари муқаддимасида келтирилган. Унга кўра, қавчинлар Чингизхон даврида ноқ эътиборли қабилалардан саналган. Шу боисдан Чингизхон қавчинларга мансуб хонадондан уйланган. Унинг катта хотини Барта (Борте - У.С.) қавчин қабиласидан эди [7, С. 96.], дейилади. Аммо "Мўғулларнинг махфий тарихи", "Тарихи жаҳонкушой" ва "Жомеъ ат-таворих"да Чингизхоннинг хотини Борте фужин (ужин, кужин, кучин шаклларида ҳам учрайди) унгирад [Unggirat] (қўнғирот) қабиласидан Дай сеченнинг қизи экани айтилган [3, С. 21.; 1, С. 284.; 12, С. 68.; 13, С. 8.]. Рашидиддин исм билан бирга келган шу каби қўшимчалар бу даврдаги бошқа олиймақом турк-мўғул аёллари исмига ҳам қўшиб айтилган, дейди. Хусусан, Чингизхоннинг онасини исми ҳам "фужин", "ужин" қўшимчалари билан бирга тилга олинган. "Мўғулларнинг махфий тарихи"да Ҳоэлун-ужин, Жувайнийда Есужин, Рашидиддинда Оэлун-фужин шаклларида учрайди [3, С. 17.; 1, С. 107.; 12, С. 51.]. Рашидиддинга кўра, бу атамалар хитойча сўз бўлиб, туркий "хатун", "хотун" атамалари билан айнан [12, С. 51.]. Шунга кўра, мўғуллар даври акс этган манбаларнинг деярли барчасида Чингизхоннинг хотини

Борте кўнфирот экани таъкидланади.

Бу давр манбаларидан Амир Темур ҳокимиятга келгунга қадар олиб борган фаолиятида (1360-1370) ҳам қавчин қабиласи вакиллари унга ҳамроҳ бўлганини кузатамиз. 1370 йил амир Ҳусайн устидан қозонилган ғалабадан сўнг Амир Темур ҳокимиятни унга ёрдам берган бек ва амирлар ўртасида тақсимлаганда бир қанча қавчинларни ҳам тақдирлайди. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарига кўра, Довудбекка (дуғлот қабиласи амири. У Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон оғанинг эри эди.) Самарқандни ва девон мансабини, Жақуббек (барлос қабиласидан Қарши ва унинг атрофларидаги барлосларга етакчилик қилган.), Сайфуддинбек (некуз қабиласидан бўлиб, Амир Темурнинг энг ишончли амирларидан бўлган.), Аббосбек (Аббос Баҳодир қипчоқ қабиласининг амирларидан), Искандар, Олий Шайх, Алқа қавчин, Ардашер қавчин, Қиморий иноқ, Тамука қавчинларни кўшинга саркарда ва бекликка тайинлайди [17, С. 68.]. Бу ерда қайд этилган қавчин бек ва амирлари Амир Темурнинг кўплаб ҳарбий юришларида иштирок этиб, кейинчалик юқори амалларни эгаллаган. Хусусан, Амир Темур Тамука қавчинга хизматлари учун Язд шаҳри доруғалигини, Аталмиш қавчинга Авник қалъаси бошқарувини, Баён қавчинга Рай ва Табриз доруғалигини топширади [17, С. 184, 224, 234, 275.].

Бундан ташқари Амир Темур кўшинида Малик қавчин, Йанги қавчин, Аталмиш қавчин, Дурбой қавчин, Мусика қавчин, Ханки қавчин, Жанги қавчин, Шайх Тўйбуға қавчин, Аталмиш қавчин, Мурод қавчин, Ҳусайн Малик қавчин, Тўкал Тамука қавчин, Тўра Малик қавчин, Дарё қавчин ва бошқа қавчин бек ва амирлари тилга олинган [10, С. 268.; 17, 68, 84, 117, 119, 176, 187, 224, 234, 238, 240, 281.; 9, С. 138.]. Улар Амир Темур олиб борган турли жангларда иштирок этганлар. Жумладан, Амир Темур Тўхтамишхон ундан ёрдам сўраб келганда улуғ амирларидан Туман Темур ўзбек, Бахти Хожа, Фиёсиддин тархон ва Йанги қавчинларни кўшиб, Сифноққа юборади [17, С. 84.]. Улар Тўхтамишхонга Олтин Ўрда ҳокимиятини эгаллашида кўмаклашади. Маълумки, қавчинларнинг аксарияти Амир Темур ва Темурийлар даврида Қашқа воҳаси, Фарғона водийси ва Самарқанд атрофларида истиқомат қилган. Шунингдек, бирор бир этник гуруҳ, айниқса ҳарбийлашган уруғ-қабила учун маълум бир ҳудуд доимий макон бўлиб қолмаган. Улар ҳукмдорнинг топшириғига кўра, у ёки бу ҳудудга кўчиб ўтишган. Агар бек ёки амир бирор жойга жўнатилса, унинг қабиласи, оила аъзолари ҳам кўшиб кўчирилган. Шунга кўра айтиш мумкинки, бу пайтда қавчинларнинг маълум қисми Сифноққа бориб жойлашади.

Амир Темурнинг Катурга бўлган жангида Ҳусайн Малик қавчин ва амир Ҳусайн Қўрчи қаҳрамонлик кўрсатади [17, С. 193.]. Анқара жангида бошқа бек ва амирлар қаторида Али қавчин, Муҳаммад қавчин, Идрис қавчин, Бердибек қавчин, Тўплоқ қавчин ва бошқалар иштирок этиб, жонбозлик қилганлар [17, С. 259.].

Амир Темур бирор-бир жангга отланганда доимо энг ишончли амирларини мамлакат ҳимояси учун қолдирган. Хусусан, у Хоразмга қарши жангга кетганда Тўхтамишхон Амир Темурнинг йўқлигидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга ҳужум уюштиради. Мўғуллар кўшини Бухорога яқинлашганда Амир Темур томонидан шаҳар муҳофазаси учун қолдирилган амирлар - Аталмиш қавчин ва Дурбой қавчинлар Бухорони ҳимоя қилади [17, С. 117.].

Амир Темур марказий ҳокимиятга келганидан кейин ҳам унинг атрофидаги саркарда ва амирлар орасида унга қарши ҳаракатлар бўлиб турган. Исёнчи амирларни тутиб келиш ва жазолаш ишлари ҳам асосан қавчин амирларига

юклатилган. Жумладан, тойжовут қабиласининг йирик амирларидан амир Мусобек 1370 йилгача ва ундан кейин ҳам Амир Темурга қарши бир неча бор ифво ва исён ҳаракатларини амалга оширган. Амир Темур исёндан сўнг қочиб кетган амир Мусобекни тутиб келтириш учун Жанги қавчинни юборади [17, С. 68.].

Амир Темур мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутган вазибаларни ҳам қавчин амирларига ишониб топширган. Маълумки, Амир Темур 1370-1388 йилларда бир неча бор Хоразмга қарши жанглар олиб боради ва сўнгги жангдан сўнг Хоразм аҳолисининг катта қисмини Самарқанд ва Зарафшон атрофларига жойлаштиради. Шаҳарни эса буздириб, арпа экишни буюради. Аммо Амир Темур вайронкорликдан кўра бунёкорликни хуш кўрган. Шунинг учун Дашти Қипчоқ юришидан қайтгандан кейин Мусика қавчинни (Ханки қавчиннинг ўғли) Хоразмга юбориб, бузилган иморатлар ўрнига янги иморатлар қуришни буюради [17, С. 119.].

Амир Темур ўғиллари ва набираларини бирор-бир ҳудудга ноиб қилиб жўнатганда ҳам уларнинг ёнига қавчин амирларидан қўшиб юборган. Жумладан, Амир Темур ўғли Шоҳруҳ Мирзога Хуросон вилоятини берганда қавчинлардан Тўплоқ ва Кепакчи (юртчи) деган бекларни ҳам унга қўшиб берган [17, С. 187.]. Тўплоқ қавчин узоқ йиллар Шоҳруҳ Мирзога ҳизмат қилиб, унинг ишончли амирларидан бирига айланади. У Амир Темурнинг тўнғич қизи Оға бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзо (у амир Мусобек тойжовутнинг набираси бўлиб, бобоси сингари исёнга мойил эди. У Шоҳруҳ буйруғига кўра, қатл қилинади.) Шоҳруҳга қарши исён кўтарганда, уни қўлга олиб, Шоҳруҳга келтиради [17, С. 241.]. Шунингдек, Шоҳруҳнинг Амир Жаҳонмулк қавчин деган амири ҳам бўлиб, у амир Милкотнинг ўғли, амир Хорийнинг амакиваччаси эди. Амир Хорий ва амир Милкот Амир Темурга ҳизмат қилган йирик қавчин амирларидан ҳисобланган. Амир Жаҳонмулк қавчин болалик чоғларидан бошлаб Шоҳруҳнинг мулозими бўлган ишончли амир бўлса-да, Амир Темур ўлгандан кейин мустақиллик учун исён кўтаради [4, С. 111.].

Аслида қавчинлар вафодорлиги билан бошқа қабила амирларидан ажралиб турган ва кам ҳоллардагина ҳукмдорга қарши чиққан. Жумладан, Аллоҳдодбекнинг (Худододи Ҳусайний) қавчинлардан иборат қўшини вафодорликда Амир Темур ва Темурийлар орасида машҳур эди [17, С. 210.].

Темурийларнинг ҳам ишончли амирлари қавчинлардан бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг (Мирзонинг қўшини асосини қавчинлар ташкил қилгани ва Мўғулистонга қилган зафарли юришида ҳам қавчинларнинг ҳиссаси баландлиги манбаларда тилга олинган.) Хизр қавчин [2, С. 235.], Абдуллатифнинг Саодат қавчин (У Домғон доруғаси бўлиб, ёвуз ниятли киши бўлган ва 1447 йилда Абдуллатифга қарши чиққан. Абдуллатиф Мирзо Домғонни босиб олгач, Саодат қавчинни қўлга олади. Аммо уни бошқа қавчинлар учун омон қолдиради) [5, С. 210.], Мирзо Искандарнинг Ҳурқужоқ қавчин, Баён қавчин, Абу Саид Мирзонинг Пирдарвиш қавчин, Умаршайх Мирзонинг (Бобурнинг отаси) Али Мазидбек қавчин, Қосимбек қавчин, Аҳмад Мирзонинг Қулмуҳаммад Буғдо қавчин, Султон Маҳмуд Мирзонинг Буғо қавчин ва бошқалар [6, С. 36-37, 39, 40-42, 45-46.; 4, С. 146, 197.; 5, С. 574.; 8, С. 358, 503.].

Сўнгги Темурий ҳукмдорлар даврида ҳам қавчинлар ҳукмдорларнинг асосий суянган қабилаларидан бўлган. Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг ҳокимиятга келган ёш Бобур Мирзога мамлакатни бошқариш ва атрофда бўлаётган тўпалонлардан ўзини ҳимоя қилишда Ўш ҳокими амир Қосим қавчин яқиндан ёрдам берган [6, С. 39.]. Мирзо Ҳайдар уни Бобурнинг отасидек яқин кишиси эди

[8, С. 358.], дейди. Бундан ташқари Бобурнинг қўшинида ҳам қавчинларнинг бўлинмалари бўлиб, уларга Мир Қанбарали қавчин ва унинг ўғли Мир Қосим қавчин бошчилик қилган [8, С. 503.].

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ва Темурийлар даври манбаларида қавчин қабиласи ҳукмрон сулоланинг нафақат ҳарбий ҳаётида, шунингдек, давлат ва бошқарув соҳасида ҳам етакчи этник гуруҳлардан бири бўлгани таъкидланган. Қавчинлар Темурийлардан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудларда қолиб, маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён истиқомат қилган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг турли гушаларида мазкур этноним билан боғлиқ топонимлар сақланиб қолгани ва республиканинг баъзи қишлоқларида ҳали ҳамон қавчин этноними билан ўзини боғловчи аҳоли гуруҳларининг мавжудлиги (Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Қавчин қишлоғи ва у ерда яшовчи аҳоли) юқоридаги фикрларимизни исботлайди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa / Çev. M.Oztürk. – Ankara, 1988. – 303 s.
2. Alan Nayrunnisa. Bozkırdan Cennet Bahçesine Timurlular (1360-1506). – İstanbul, 2007. – 340 s.
3. Moğollarin Gizli tarihi. – Ankara, 1986. – 300 s.
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн./ Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. II/1. - Т.: Фан, 1969. - 463 б.
5. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн./ Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. II/2, 3. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 832 б.
6. Бобур. Бобурнома. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 287 б.
7. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. - Т.: "Mumtoz so'z", 2017. - 350 б.
8. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. - Тошкент: Шарқ, 2010.
9. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний /Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ф. Каримий. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 264 б.
10. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчи Ҳ. Караматов. Географик номлар изоҳи О. Бўриевники. Ҳофизи Абрунинг "Зафарнома"га ёзган "Зайл"и - ("Илова")ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳлар тузувчи О. Бўриев. - Т., 1996. - 527 б.
11. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. I. кн. 1 / Пер. с перс. Л.А. Хетагурова. - М. -Л., 1952. - 222 с.;
12. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. I. кн. 2 / Пер. с перс. О.И. Смирновой. - М. -Л., 1952. - 316 с.;
13. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. II / Пер. с перс. Ю.П. Верховского. - М.-Л., 1960. - 248 с.;
14. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. III / Пер. с перс. А.К. Арендса. - М.-Л.,

1946. - 340 с.

15. Улашова С.У. Қавчинлар тарихидан // Мозийдан садо. 3.(79). Тошкент, 2018. - Б. 35-39.

16. Улашова С.У. Чингизхоннинг муҳофиз қўшини // Акад. У.Каримов номидаги ёш шарқшунослар конференцияси тезислари. - Тошкент, 2019. - Б. 108-111.

17. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. - Т.: Шарқ, 1997. - 382 б.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000